

**Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш бўйича  
Ш А Р Т Н О М А № 7/01**

Наманган шаҳри

«31» январь 2022 йил

«Oziq-Ovqat pure trade» МЧЖ бундан буён «Сотувчи» деб аталувчи номидан М. Обидов бир томондан, Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси «Истеъмолчи» деб аталувчи номидан Ш.Хайдаров иккинчи томондан куйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

**I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ**

1.1 «Сотувчи» ушбу шартномага асосан «Истеъмолчига» ўзаро келишилган миқдорда ва муддатларда шартноманинг умумий қийматидан ошмаган суммадаги озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради, «Истеъмолчи» етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларни қабул қилиб олиб, тўлов ҳужжатларини амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ расмийлаштириб, харажатлар сметасида қузда тутилган маблағлар доирасида белгиланган тартибда ҳудудий ғазна ҳисоб-рақамидан тўловларни амалга оширади.

**II. ШАРТНОМА БАҲОСИ, МАҲСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА  
ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ**

2.1 Мазкур шартноманинг умумий қиймати **3 075 000 (Уч миллион етмиш беш минг)** сумни ташкил этади. Етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг шартнома тузиш вақтидаги миқдори, нархи ва етказиб бериш муддати ушбу шартноманинг 1-илоvasида келтирилган бўлиб, ушбу маҳсулотларнинг амалдаги бозор нархлари ўзгарса, «Сотувчи» мазкур маҳсулотларни тегишли органларда ташкил этилган маҳсус комиссия томонидан белгиланган нархлардан ошмаган нарҳда етказиб бериши мумкин.

2.2. «Сотувчи» билан «Истеъмолчи» ўртасида ҳар ойнинг бошида «Истеъмолчи»нинг ёзма талабномасидан келиб чиқиб, етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотларининг миқдори ва нарҳини келишуви имзоланади ҳамда ушбу келишувлар мазкур шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

2.3 «Истеъмолчи»га озиқ-овқат маҳсулотлари «Сотувчи»нинг транспортида 5 кун муддат ичида етказиб берилади.

2.4 «Истеъмолчи» тегишли даврда олинадиган озиқ-овқат маҳсулотлари умумий қийматини 30 фоизини олдиндан «Сотувчи» ҳисоб-рақамига ўтказиб беради. Қолган 70 фоизли тўловини ҳисоб фактура далолатномалар тасдиқлангандан сўнг тўлиқ ҳисоб китоб қилинади.

2.5 «Сотувчи» тегишли даврда томонларнинг ўзаро келишувига мувофиқ белгиланган миқдорда ва муддатларда озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб беради.

2.6 «Истеъмолчи» етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари учун тулов ҳужжатларига асосан ҳужжатларга асосан узил-кесил ҳисоб-китобни ўзаро келишилган муддатларда амалга оширади.

2.7. «Сотувчи» томонидан «Истеъмолчи»га мазкур шартноманинг умумий қийматидан ортиқ суммада озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб берилган ҳолатларда, шартнома умумий суммасидан ортиқ қисми учун томонидан ҳақ тўланмайди, томонларнинг ўзаро ёзма қўшимча келишувига мувофиқ етказиб берилган ҳолатлар бундан мустасно.

**III. ШАРТНОМАНИ БАЖАРИЛИШИ**

3.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.2 «Истеъмолчи» томонидан талабномани озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумланини етказиб беришнинг мўлжалланаётган санасигача камида 3 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади. Талабномани чопар орқали қабул қилишда «Сотувчи»нинг ходими «Истеъмолчи»да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

3.3. «Истеъмолчи» илгари берилган талабномани бекор қилишга ёхуд озиқ-овқат маҳсулотларининг тегишли туркумланини етказиб бериш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда «Сотувчи»ни талабномада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

3.4. «Истеъмолчи» муддатлар бузилган ҳолда етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

3.5. «Истеъмолчи»; «Сотувчи» томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилмаган ёки сифатсиз маҳсулотлар етказиб берилган ҳолатларда шартномани «Сотувчи»ни ёзма хабардор қилган ҳолда бир томонлама бекор қилиши мумкин. Қолган ҳолатларда шартнома шартларига тегишли ўзгартиришлар томонларнинг ўзаро қўшимча келишувларига мувофиқ киритилади.

**IV. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

**«Сотувчи»нинг мажбуриятлари:**

4.1 «Сотувчи» етказиб бериладиган маҳсулот сифатини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъёрларга мувофиқ бўлишини ҳамда тегишли сифат сертификати ёки таҳлил (текшириш) баёнига эга бўлишини ва ўзаро келишилган миқдорда бўлишини таъминлайди.

4.2 "Истеъмоли"га озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш вақтида тегишли сифат сертификат ёки таҳлил (текшириш) баёни нусхасини тақдим этади.

4.3 Озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиб олиш вақтида аниқланган камчиликларни "Истемолчи" талабига мувофиқ 3 кунлик муддатда бартараф этади.

**"Истемолчи"нинг мажбуриятлари:**

4.4. Ўз талабномаси бўйича етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

4.5. Озиқ-овқат маҳсулотларини мазкур шартноманинг 1-сонли иловасида кўрсатилган нарх бўйича белгиланган муддатларда узил-кесил ҳисоб-китобни амалга оширади.

**V. ШАРТНОМА МАЖБУРИЯТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК**

5.1. Озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда, "Сотувчи" "Истеъмоли"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш "Сотувчи"ни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Етказиб берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун "Истеъмоли" "Сотувчи"га ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортик бўлмаган миқдориди пеня тўлайди.

**VI. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, муस्ताкил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

**VII. ФОРС-МАЖОР**

7.1. Форс-мажор ҳолатлар, жумладан ер кимираши, сел келиши каби табиий офатлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан янги қонун ва қарорларни қабул қилиниши натижасида келиб чиқадиган ҳолатларда тарафлар мазкур шартнома ва қўшимча келишувлар шартларини бажариш масъулиятини ўз зиммаларига олмайдилар.

**VIII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТАЛАБЛАРИ.**

8.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши кураш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва қафолатлайди.

8.2. "Истеъмоли" "Таъминотчи"га мазкур шартнома доирасида қуйидагиларни қафолатлайди ва қуйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади: Шартноманинг амал қилиш муддати давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), истеъмоли манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Таъминотчи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

**IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

9.1. Мазкур шартнома "Истеъмоли", "Сотувчи" томонидан тасдиқланиб фазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради ва 2022 йил «31» декабргача амал қилади.

**X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

10.1. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

**XI. Томонларнинг манзили ва банк реквизитлари:**

"Истеъмоли"	"Етказиб берувчи"
<b>Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси</b>	<b>«Oziq-Ovqat pure trade» МЧЖ</b>
Манзили: Наманган шаҳар	Манзили: Наманган шаҳар
Шх/р: 100022860144017073310054005	Ҳисоб рақами: 2020 8000 4054 4427 8001
Марказийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармаси	«ТРАСТБАНК» Наманган филиали
МФО: 00014 ИНН:200 056 368 Оқонх: 91511	МФО: 01060 ИНН: 308 917 670 ОКЭД 46900
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги	
Фазначилиги ХР: 23402000300100001010	
Марказийбанк Тошкент шаҳар бош бошқарма:	
МФО: 00014и ИНН: 201122919.	
Раҳбар: Ш.Хайдаров	



Сулҳомиддин Ибраҳимов


Наманган шаҳар маҳаллий бюджетдан маблағ билан таъминланувчи Наманган шаҳар  
Тиббиёт бирлашмаси билан «Oziq-Ovqat pure trade» МЧЖ билан тузган  
«31» январь 2022 йилдаги 7/01-сонли шартномага

**Спецификацияси**

№	Товар (маҳсулот) номи	Улчов	Микдори	Нархи	Суммаси
1	Ун 1-нав	Кг	50	3000	150 000,00
2	Пахта ёғи	Кг	100	15000	1 500 000,00
3	Тухум	Шт	1500	950	1 425 000,00
	<b>Жами</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>х</b>	<b>3 075 000,00</b>

**"Истеъмолчи"**

**Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси**

Манзили: Наманган шаҳар  
Шх/р: 100022860144017073310054005  
Марказийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
МФО: 00014 ИНН:200 056 368 Оконх: 91511  
Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги  
Ҳазначилиги ХҲР: 23402000300100001010  
Марказийбанк Тошкент шаҳар бош бошқармаси  
МФО: 00014и ИНН: 201122919.  
Раҳбар:  Ш.Хайдаров




**"Етказиб берувчи"**

**«Oziq-Ovqat pure trade» МЧЖ**

Манзили: Наманган шаҳар  
Хисоб рақами: 2020 8000 4054 4427 8001  
«ТРАСТБАНК» Наманган филиали  
МФО: 01060 ИНН: 308 917 670 ОКЭД 46900



Раҳбар: 



Namangan shahar Tibbiyot birlashmasi hamda «Oziq-Ovqat pure trade» MChJ o'rtasida tuzilishi belgilangan **3 075 000** so'mlik oziq-ovqat mahsulotlari yetkazib berish to'g'risidagi shartnoma loyihasi yuzasidan

### Xulosa

RX30511716

2022 yil 31 yanvar

Namangan shahri

Namangan shahar Tibbiyot birlashmasi hamda «Oziq-Ovqat pure trade» MChJ o'rtasida tuzilishi belgilangan **3 075 000** so'mlik oziq-ovqat mahsulotlari yetkazib byerish to'g'risidagi shartnoma loyihasi Namangan shahar yuridik xizmat ko'rsatish markaziga 2022 yil 28 yanvar kuni kelib tushgan bo'lib, mazkur shartnoma loyihasini O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksining 324-339, 353-357-moddalari hamda "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunining 10-14, 34 moddalari, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 27.09.2018 yildagi 3953-sonli "Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)" Ro'yxati va boshqa qonun hujjatlari asosida huquqiy ekspertizadan o'tkazib;


### XULOSA QILAMAN:

- Shartnoma loyihasining amaldagi qonun hujjatlari talablariga javob berishini va qonunga mos holda tuzilganligi;

- Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan mulkiy javobgarliklari va o'zaro nizolarni hal qilish yo'llari O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonuni hamda Davlat buyurtmachilari tomonidan to'g'ridan-to'g'ri shartnomalar bo'yicha xarid qilinadigan tovarlar (ishlar, xizmatlar)" Ro'yxati asosida belgilanganligi aniqlandi.

Yuqoridagilarga asoslangan holda shartnoma loyihasini qonun hujjatlari asosida tuzilgan deb hisoblanadi.

**Namangan shahar yuridik xizmat  
ko'rsatish markazi bosh yuriskonsulti**



**O.Yo'ldashev**

Траҳма

„Тасдиқлайман”

Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи

Ш.Хайдаров

Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси НШТКга озик овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш буйича тузилган комиссиясини йиғилиш

Баёни № 3

Наманган шаҳри

«27» январ 2022 йил

Иштирок этдилар;

Комиссия раиси:

Аъзолар:

М.Собирова

5 нафар киши

Кун тартиби: Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси НШТКга озик овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун энг яхши танлов таклифларини танлаб олиш буйича тузилган комиссиясини йиғилиш.

Кун тартибидаги масала юзасидан комиссия аъзоси ҳисобчи А.Турсунов сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 27 сентябр 2018 йилдаги 3953-сонли қарорга асосан Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси НШТКга озик овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмасига «Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ, «Turaqurgan pure food trade» МЧЖ ва «Yangi Tong Ideal Savdo» МЧЖ лар томонидан таклиф тушганлигини таъкидлаб ўтди. Етказиб берувчилар таклифи:

Т/р	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Улчов бирлиги	Мик дори	«Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ (нархи)	«Turaqurgan pure food trade» МЧЖ (нархи)	«Yangi Tong Ideal Savdo» МЧЖ (нархи)
1	Ун 1-нав	Кг	1	3000	3100	3200
2	Пахта ёғи	Кг	1	15000	16000	16000
3	Тухум	Дона	1	950	1050	1100

Ушбу масала юзасидан комиссия аъзоси ҳисобчи А.Турсунов юқорида кайд этилган Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси НШТКга озик овқат маҳсулотларини сотиб олиш учун етказиб берувчилар томонидан берилаётган таклифлар ичида «Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ ни таклифи бошқаларга нисбатан арзонлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридагиларга асосан маҳсуе комиссия озик овқат маҳсулотларини етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган таклифларни муҳокамасидан келиб чиқиб,

### Қарор қилади:

- Озик овқат маҳсулотларини етказиб берувчилар «Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ, «Turaqurgan pure food trade» МЧЖ ва «Yangi Tong Ideal Savdo» МЧЖ лар томонидан берилган таклифлар маълумот учун қабул қилинсин.
- Юқоридаги эълонга берилган Озик овқат маҳсулотларини «Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ томонидан тақдим қилинган таклиф буйича голиб деб топилсин ва озик овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун шартнома тузиш таклифи қабул қилинсин.
- Бирлашма бош ҳисобчисига белгиланган тартибда юқоридаги «Oziq-ovqat pure trade» МЧЖ билан умумий суммаси 3 075 000 сумлик шартномани расмийлаштириш ҳамда Наманган шаҳар газначилик бўлимидан руйхатдан ўтказиш ўтказиш вазифаси юклатилсин.

Комиссия аъзолари:

Комиссия раиси

ДХБ мутахасис

Бош ҳисобчи уринбосари

Ҳисобчи

Омборчи

М.Собирова

Э.Юсунов

И.Мухиддинов

А.Турсунов

Н.Акрамова



Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси

раҳбари Ш. Хайдаровга

## Тижорат таклиф

«OZIQ-OVQAT PURE TRADE» МЧЖ Сизга 2022 йил Январь ойи учун етказиб беришимиз булган куйидаги озик-овкат махсулотларининг нархлари ва микдорини таклиф этамиз.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш киймати
1	Ун 1-нав	кг	50	3000	150 000
2	Пахта ёғи	кг	100	15000	1 500 000
3	Тухум	дона	1500	950	1 425 000
x	Жами	x	x	x	3 075 000

Юкорида курсатилган Озик-овкат махсулотларини сизнинг талабингизга биноан 10 кун мобайнида Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган нархлардан ошмаган холда етказиб берамиз.

«OZIQ-OVQAT PURE TRADE»

МЧЖ раҳбари



М. Обидов

N45

27.01.22 y



Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси  
раҳбари Ш. Хайдаровга

## Тижорат таклиф

«ЯНГИ ТОНГ ИДЕАЛ САВДО» МЧЖ Сизга 2022 йил Январь ойи учун  
етказиб беришимиз булган куйидаги озик-овкат махсулотларининг нархлари ва микдорини  
таклиф этамиз.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Микдори	Нархи	Етказиб бериш киймати
1	Ун 1-нав	кг	50	3200	160 000
2	Пахта ёғи	кг	100	16000	1 600 000
3	Тухум	дона	1500	1100	1 650 000
x	Жами	x	x	x	3 410 000

Юкорида курсатилган Озик-овкат махсулотларини сизнинг талабингизга биноан 20 кун  
мобайнида Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган нархлардан  
ошмаган холда етказиб берамиз.

«ЯНГИ ТОНГ ИДЕАЛ САВДО» МЧЖ раҳбари:  И. Садиков



146

17.01.2022



Наманган шаҳар Тиббиёт бирлашмаси  
раҳбари Ш. Хайдаровга

## Тижорат таклиф

"TURAKURGAN PURE FOOD TRADE" МЧЖ Сизга 2022 йил Январь ойи учун  
етказиб беришимиз булган куйидаги озик-овкат махсулотларининг нархлари ва миқдорини  
таклиф этамиз.

№	Махсулот номи	Улчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Етказиб бериш киймати
1	Ун 1-нав	кг	50	3100	155 000
2	Пахта ёғи	кг	100	16000	1 600 000
3	Тухум	дона	1500	1050	1 575 000
x	Жами	x	x	x	3 330 000

Юкорида курсатилган Озик-овкат махсулотларини сизнинг талабингизга биноан 15 кун  
мобайнида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган нархлардан  
ошмаган холда етказиб берамиз.

"TURAKURGAN PURE FOOD TRADE" МЧЖ раҳбари:



3. Набиев

№47 27.01.22